

**“Ишчи кучини сақлаш харажатлари” кўрсаткичларини
шакллантириш бўйича Услубий низом**

Мазкур Услубий низом ишчи кучини сақлаш харажатларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Ушбу Услубий низом давлат статистика органлари томонидан иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудлар кесимида ишчи кучини сақлаш харажатларини баҳолашда статистик мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

“Ишчи кучини сақлаш харажатлари” кўрсаткичлари бўйича маълумотлар меҳнат статистикасига оид ҳисобот асосида ишчи кучига харажатлар халқаро стандарт таснифлагичидан фойдаланган ҳолда, йиллик даврийликда йиғилади.

II. Асосий тушунчалар

1. Мазкур Услубий низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишчи кучини сақлаш харажатлари - корхоналар (ташкилотлар)нинг ходимларни уй-жой билан таъминлаш, касбга ўқитиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ходимларнинг меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун ишлаган ва ишламаган кунларига нақд ва нақд пулсиз шаклда иш ҳақи тўлаш харажатлари суммаси (иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, тўловлар ва харажатлар йиғиндиси);

ёлланма ишчи - мулкчилик шакли ва ҳўжалик-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхонада, ташкилотда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахс;

жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар - ушбу корхонада, ташкилотда меҳнат дафтарчаси бўлган ходимларга тўлаш учун ҳисобланган ва ходимлар билан иш ҳақи бўйича тўлов ҳужжатларига мувофиқ ҳисоб-китоблар амалга оширилган пул маблағлари бўлиб, Солиқ кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ

белгиланади. Бунда, қонунчиликка мувофиқ, ушбу пул маблағлари солиқлар ва бошқа чегирмалар билан бирга кўрсатилади.

III. Ишчи кучини сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш тартиби

2. Маълумотлар юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларини 1-mehnat shakli давлат статистика ҳисоботининг V-бўлими бўйича ёппасига кузатиш йўли билан ягона услубият асосида тўпланади ва иқтисодий фаолият турлари, ҳудудлар бўйича ишлаб чиқилади.

Юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари томонидан (кичик корхоналар ва микрофирмалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фермер хўжаликларидан ташқари) 1-mehnat shakli давлат статистика ҳисоботи электрон шаклда, йиллик даврийликда тақдим этилади.

IV. Жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар бўйича кўрсаткичларни тўлдиришнинг услубий асослари

3. Жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар кўрсаткичларига қуйидагилар киради.

- корхонада (ташкилотда) ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

- рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, йиллик иш якунлари бўйича мукофот, юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги локал ҳужжатларида назарда тутилган тўловлар, касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва мансаб маошларига устамалар, таътилга қўшимча ҳақлар, кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар, рационализаторлик таклифлари учун тўловлар, меҳнат натижаларига боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар ва компенсация тўловлари;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг моддаларига мувофиқ йиллик, асосий ва қўшимча таътиллار давомида ишланмаган вақтлар учун тўлов (фойдаланилмаган таътил учун пулли компенсацияларсиз), ўқиш таътиллари, ходимларнинг касб-ҳунарга ўқиш даври таътиллари, мажбурий таътилда бўлган ходимларга иш ҳақи ва бошқалар.

V. Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар бўйича кўрсаткичларни тўлдиришнинг услубий асослари

4. Ходимларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- уй-жой қурилиши ёки турар жой сотиб олиш учун ходимларга берилган (қайтарилмайдиган) субсидиялар;

- ходимлар томонидан сотиб олинган уй-жой қийматини тўлаб бериш (қисман ёки тўлиқ);

- ташкилот балансида бўлган ёки улуш асосида молиялаштириладиган уй-жой фондини сақлаш харажатлари, олинган субсидияларни олиб ташлаган ҳолда;

5. Касб-ҳунарга ўқитиш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- ташкилот балансида бўлган ёки улуш иштирокида ташкилот томонидан молиялаштириладиган ўқув бинолари ва иншоотларини сақлаш харажатлари;

- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ўқув муассасаларида ходимларни ўқитиш (стипендияларни қўшган ҳолда), ходимларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, касб-ҳунар таълими ва стажировка учун харажатлар (иш ҳақи харажатлари бундан мустасно);

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун бошқа харажатлар.

6. Маданий-маиший хизматлар учун харажатлар:

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари учун биноларни ижарага олиш;

- ташкилот балансида бўлган ёки улуш иштирокида у томонидан молиялаштириладиган ошхоналар, кутубхоналар, клублар, спорт иншоотлари, мактабгача таълим муассасаларини сақлаш харажатлари;

- ходимларнинг болаларни мактабгача тарбия муассасаларида сақлаш учун тўловларини қоплаш;

- ташкилот маблағлари ҳисобидан ходимларнинг фарзандлари учун совғалар ва кўнгилочар тадбирларга чипталар қиймати, газета ва журналларга обуна учун тўловлар;

- ташкилотнинг маблағлари ҳисобидан спорт бўлимларида машғулотлар учун тўловлар, ташкилотнинг дам олиш оқшомлари, спектакллар, концертлар, маърузалар, спорт тадбирларини ўтказиш харажатлари;

- театр костюмларини, спорт формасини, спорт анжомларини сотиб олишга ёки уларнинг ижараси учун, тўғарақлар, курслар, студиялар, клублар,

факультетлар, хаваскорлар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазмали савдолари, ярмаркалар, болалар учун ўйин хоналари, боғдорчилик уюшмалари ташкил этиш учун харажатлар ва ходимларга маданий-маиший хизматлар учун ташкилотнинг бошқа харажатлари.

7. Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мажбурий суғурта бадаллари (ижтимоий солиқ);
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини мажбурий ва ихтиёрий (пенсия, тиббий, мол-мулк ва бошқалар) суғурталаш учун суғурта тўловлари (бадаллар);
- меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинган ҳолатда тўланадиган тўлов (компенсация);
- пенсияларга қўшимча тўловлар, пенсияга чиқишда тўланадиган бир марталик тўловлар;
- айрим ходимларга тўланадиган, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган (дорилар, дафн этиш ва бошқалар учун) моддий ёрдам (компенсация);
- ходимларга кўрсатилган тиббий хизмат учун соғлиқни сақлаш ташкилотларига тўланган харажатлар;
- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик тўлови бўйича харажатлар;
- бошқалар (ходимларга шикастланиш, касб касаллиги ёки уларнинг соғлиғига бошқа зарар етказиш натижасида етказилган зарарни қоплаш учун ташкилот ҳисобидан тўланадиган тўловлар; ташкилот балансида бўлган тиббий пунктларни, соғломлаштириш муассасаларини, дам олиш уйлари сақлаш харажатлари; даволаш-профилактика муассасалари учун дори-дармон сотиб олиш харажатлари ва бошқалар).

8. Ишчи кучини сақлаш учун бошқа харажатларга илгари келтирилган гуруҳларга киритилмаган харажатлар, яъни хизмат сафари харажатлари (суткалик тўловни қўшган ҳолда), берилган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сут ва тиббий-профилактика овқатлари, хизмат сафарларида шахсий автомобилдан қонунчиликда белгиланган ва ундан юқори меъёрга фойдаланганлиги учун компенсация, хизмат сафарига бориб келиш харажатлари ва бошқа харажатлар, шунингдек, ишчи кучидан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ имтиёзлари киради.

VI. Ишчи кучини сақлаш харажатларини тавсифловчи ҳисобланган кўрсаткичлар

9. Меҳнат харажатларини тавсифловчи, ҳисобланадиган асосий кўрсаткичлар:

- ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган, бир нафар ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик харажатлар;

- ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган, ишловчилар томонидан ишланган 1 соатга тўғри келадиган ўртача йиллик харажатлар;

- таркибий қисмлар бўйича ишчи кучини сақлашга харажатлар тузилмаси.

Ишчи кучини сақлаш учун ҳисобот йилида битта ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик харажатлар ишчи кучини сақлаш умумий харажатларини ишловчиларнинг ўртача йиллик сонига нисбати орқали қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{Z}_w = \frac{\sum_{i=1}^n z_i}{N}$$

бу ерда:

$\bar{Z}_w$ - ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган бир нафар ишловчига тўғри келадиган ўртача йиллик харажатлар (минг сўм);

Z_i - ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган i турдаги харажатлар (минг сўм);

n - ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган харажат турлари сони;

N - ишловчиларнинг ўртача йиллик сони (киши).

Ходимлар томонидан ишланган 1 соатга тўғри келадиган ишчи кучини сақлашга ўртача йиллик харажатлар ишчи кучини сақлашга сарфланган умумий харажатларни ишловчиларнинг йил давомида ишлаган соатига бўлиш йўли билан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{Z}_t = \frac{\sum_{i=1}^n z_i}{T}$$

бу ерда:

$\bar{Z}_t$ - ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган 1 соатга тўғри келадиган ўртача йиллик харажатлар (минг сўм);

T - ишловчиларнинг йил давомида ҳақиқатда ишлаган иш вақти (киши-соат).

VII. Якуний қондалар

10. Ишчи кучини сақлаш харажатларини кузатиш, ташкилотлар томонидан ходимлар фойдасига қилинган харажатлар даражаси, тузилиши ва динамикаси тўғрисида, иқтисодий фаолият тури ва ҳудудлар бўйича харажатлар таркиби тўғрисида маълумот олишга имкон беради.

Ишчи кучини сақлаш харажатлари тўғрисидаги расмий статистик маълумотлар халқаро таққослаш учун халқаро ташкилотларга тақдим этиладиган саволномалар, даврий нашрлар шаклида ишлаб чиқарилади ва тарқатилади.

Ишчи кучини сақлаш харажатлари тўғрисидаги расмий статистик маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма сўровлари асосида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
3. Ишчи кучи қиймати статистикаси тўғрисидаги Резолюция, 11- Халқаро Меҳнат Статистиклари Конференцияси томонидан 1966 йил октябрь ойида қабул қилинган.
4. Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сонли конвенция, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференцияси томонидан 1985 йил июнь ойида қабул қилинган.
5. 170-сонли Меҳнат статистикаси бўйича тавсиялар, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференцияси томонидан 1985 йил июнь ойида қабул қилинган.